# ПАРАЗИТЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЙЎЛЛАРИ

**Уббиниязова Жамила Комекбаевна**
*Нукус давлат педагогика институти*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада паразитлар ва ўларнинг зарари, келтириб чиқарадиган касаллик тўрлари ва ўларга қарши кураш чоралари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *паразит, инфекцион касалликлар, паразитоценоз, механик ва спесифик*

Паразитлар хўжайинларига турлича таъсир кўрсатади ва уларда ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Ҳайвонот дунёси келтириб чиқарадиган касалликлар инвазион ёки паразитар касалликлар (асосан паразит чувалчанглар ҳамда бир ҳужайрали ҳайвонлар томонидан қўзғатиладиган касалликлар) дейилади, ўсимликлар дунёси келтириб чиқарадиган касалликлар еса инфекцион касалликлар дейилади (вируслар, бактериялар, замбуруғлар).

Хўжайиннинг битта органи ёки бутун организмида жойлашган паразитлар йиғиндисига – паразитоценоз дейилади ва у йердаги ўзаро муносабатлар синергетик (бир-бирини тўлдирувчи) ёки антогонистик (қарама-қарши) характерга ега бўлади. Хўжайинда бир нечта паразит бўлса (паразитоценоз), паразитларнинг умумий патогенлик хусусияти янада ортади.

Паразитларнинг патогенлик таъсири кўп омилларга яъни, паразитнинг турига, танада тарқалишига, инвазия интенсивлигига, хўжайинни физиологик холатига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Организмдаги турли паразитлар хўжайин организмига турлича та'сир кўрсатади.

Еволюцион тараққиёт жараёнида паразитлар ҳар хил хўжайинларда яшашга мослашган. Шунга кўра улар келтириб чиқарадиган касалликлар номлари ҳам турлича бўлади.

1. Зоонозлар. Айрим гуруҳ паразитлар фақат ҳайвонларда паразитлик қилади ва улар келтириб чиқарадиган касалликлар зоонозлар деб аталади (Масалан қушладаги безгак касаллиги).

2. Антропозоонозлар. Одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган паразитар касалликлар. Бунда ташувчилар касаллик қўзғатувчиларини ҳайвонлардан одамга ва аксинча, одамдан ҳайвонларга юқтиради.

3. Антропонозлар. Касалликнинг фақат одам организмида кузатилиши.

Инвазион касалликларни ҳар бирини алоҳида номлаш учун касаллик қўзғатадиган паразит авлоди номини охирига “аз”, ёки “оз” қўшимчаси қўшилади. М:

Амёбалар келтириб чиқарадиган касаллик, амёбиаз, Асцаридалар авлоди вакилари қўзғатадиган касаллик аскаридоз, Фасциола авлоди вакиллари қўзғатадиган касаллик фастсиолёз деб аталади.

Паразитар касалликларни клиник белгилари турлича бўлади. Касаллик белгилари яширин (ёпиқ), намоён бўлса ҳам турли бошқа касалликларга хос белгиларни пайдо бўлиши билан кечади:

- сурункали чарчаш;
- иштаҳани ўзгариши (ёмонлашуви);
- асабий бўлиб қолиш;
- овқат ҳазм қилиш системасидаги бузилишлар(кўнгил айнаши, қайт қилиш, ич қотиши, ич кетиши, қорин дам бўлиши, газ ҳосил бўлиши);
- сўлак оқиши;
- анемия, қондаги ўзгаришлар (эйзинофилия, ва бошқалар);
- тўқималарда ва суякларда оғриқ;
- бош оғриғи;
- уйқусизлик;
- даврий ҳарорат ошиши (37-38о С);
- гиповитаминоз;
- теридаги белгилар;
- аллергик ўзгаришлар;
- нафас олиш йўллари касалликлари(бронхит);
- уйқуда тиш ғчирлатиш ва бошқалар.

Паразитар касалликлар клиник белгиларини хилма-хиллиги билан ҳам характерланади. Булар асосида паразитнинг биологик хусусияти ётади. У аввало паразитни хўжайиннинг қайси орган ва тўқимасида жойлашганлиги билан боғлиқ бўлади.

Академик Е.Н.Павловский таърифи бўйича трансмиссив ёки табиий ўчоқли касалликлар қўзғатувчилари одам ва ҳайвонларга қон сўрувчи бўғимоёқлилар орқали ўтса бундай касалликлар трансмиссив ёки табиий ўчоқли касалликлар дейилади. Табиий ўчоқли касалликларнинг тарқалишида бўғмоёқлиларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бўғмоёқлиларни қон сўрувчи паразитлигидан кўра касаллик қўзғтувчиларини соғлом одам ва ҳайвонларга юқтириши хавфли ҳисобланади. М: безгак, тиф, вирусли енсефалит, лейшманиоз, трипанасомоз.

Трансмиссивус - лотинча сўз бўлиб, олиб ўтиш, ташиб ўтиш, ўтказиш деган маъноларни англатади. Трансмиссив касалликларни қўзғатувчиларини табиатда манба (макон)лари мавжуд бўлади.

Академик Е.Н. Павловский ва унинг шогирдлари Собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида паразитларни мураккаб сиркулятсия жараёнларини ўрганиш ҳамда одам ва ҳайвонларда кўп учрайдиган касаллик қўзғатувчи ва тарқатувчиларини комплекс еколого-паразитологик томондан татқиқ қилиш мақсадида жуда катта

ҳажмдагиовский ва унинг шогирдлари Собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида паразитларни мураккаб сиркулятсия жараёнларини ўрганиш ҳа

Трансмиссив касалликларни табиий ўчоқлари у ёки бу географик минтақаларга мослашганлиги билан характерланади.

Трансмиссив касалликларни одам ва ҳайвонларга юқиши учун:

I-касаллик қўзғатувчиси (инфектсион, инвазион паразитлар);

II-касаллик қўзғатувчиларини ўз танасида сақлаб юрувчи умуртқали ҳайвонлар (табиий резервлар);

III-касаллик қўзғатувчиларини юқтирадиган ектопаразитлар (бўғмоёқлилар) бўлиши шарт.

Паразитар касалликлар қўзғатувчиларини юқтириш йўллари турлича. Уларни асосийлари қуйидагилар:

1. Контактли. Контактли ўз навбатида пассив ва фаол бўлади. Касаллик қўзғатувчилари касалланган организмлар билан тўғридан-тўғри контакт орқали юқади.

2. Аэрогенли - қўзғатувчилар (ҳаво йўли) нафас йўллари орқали юқади.

3. Сув орқали - касаллик қўзғатувчилари билан ифлосланган сув исте'мол қилиш билан боғлиқ.

4. Алиментар ёки касаллик қўзғатувчилари билан зарарланган озиқ овқат маҳсулотлари орқали.

5. Перкутан (тери орқали) йўли билан.

6. Бурун тешиги, кўз орқали (бурун томоқ бўкаси, телязия).

7. Транспласентар йўл билан. Она қорнида (айрим паразитлар онадан болага киндик орқали ўтади - неоаскаридалар, таксокаралар, токсоплазмалар, трихинеллалар) [1].

Қўзғатувчи ва ташувчи ўртасида узоқ давом етган ўзаро муносабатларни еволюцион мослашуви натижасида ташувчиликнинг икки хил йўли келиб чиқди: механик ва спесифик йўллари, булар қуйидагича амалга ошади – инокулятив (инокулация – прививка), контаминатив (контаминатсия –ифлосланиш).

Инокулятив усулда – касаллик қўзғатувчилари терини тешиб (укол орқали) юқтирилади. Масалан: безгак қўзғатувчиси одамга безгак чивинини чақиши орқали ўтади.

Контаминатив усулда – касаллик қўзғтувчилари олдин ташувчилар организмидан улар екскременти орқали чиқади ва хўжайинни танасига тушиб, ўзи фаол киради ёки турли озиқалар орқали киради. Масалан: ичак паразитлари, гельминтлар тухумлари турли пашша, чивин, суварак ва бошқаларни хартумлари ҳамда панжалари орқали юқади[3].

Кўпинча булар бир-бирини тўлдиради. Будай усулда юқтиришга комбинатив йўл билан юқтириш дейилади.

1. Механик ташувчилар организмида касаллик қўзғатувчилари кўпаймайди, ривожланмайди, улар ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга ўтади ва маълум вақт ташувчиларда сақланади (пашшалар, тараканлар).

2. Спесифик ташувчилар. Улар организмида касаллик қўзғатувчилари маълум босқични ўтайди. Натижада ташувчи ва қўзғатувчи ўртасида маълум биологик боғ ҳосил бўлади ва улар маълум тур, авлодга мансуб бўлишлари керак. Масалан: безгак паразитида - Анофелес авлодига мансуб безгак чивини, лейшманияда - искабтопарлар ва ҳоказолар. Спесифик ташувчилар касаллик қўзғатувчиларини ўзларида узоқ вақт сақлайдилар.

Касаллик қўзғатувчиси узоқ вақт сақланадиган организм резервуар дейилади. Баъзи бир касалликларда резервуар бўлиб, одам (безгак, тошмали, қайталама тиф) ҳисобланади. Бошқаларида ҳайвонлар резервуар бўлади (ёввойи ҳайвонлар табиий резервуарлар ҳисобланади). Масалан: кемирувчилар лейшманиоз, вабо, туляремияни табиий резервуари ҳисобланади. Антилопалар трипаносомозни табиий резервуарлари, каналар еса канали қайталама тиф, канали енсефалитни табиий резервуарлари ҳисобланади.

Паразит касалликларга қарши кураш турли-туман тадбирлар комплексидан иборат бўлиб, бу тадбирлар асосан қуйидаги йўналишларда, яъни профилактика, даволаш ва девастатсия бўйича олиб борилади.

Карантин қилиш тадбирлари. Кишлоқ хўжалигида ҳайвонлар касаллик билан зарарланган бўлса, улар алоҳида боқилиб, бир ёки бир неча марта такрор гел`минтсизлантирилади. Касаллик характерига қараб ҳайвонлар икки ҳафтадан икки ойгача карантинда сақланади[2].

Умумий профилактик тадбирлар. Касалликларнинг олдини олиш тадбирларига - ҳайвонларни боқишдаги гигиеник қоидалар, озиқлантириш, суғориш, ёш молларни ажратиб асраш, яйловда боқиш, гўнгни биотермик усулда зарарсизлантириш, ҳайвон ўлиги ва зарарланган органларини зарарсизлантириш ҳамда ихтисослашган хўжаликларда қўлланиладиган ишлар киради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аширматов Б.М. в.б. Паразит чувалчанглар ва уларга қарши кураш чоралари. Т., Биохилмахилликни сақлаш муаммолари (конференция материаллари). 2006

2. Авезенбетов Ш. в.б. Қорақалпоғистон худудида трематодалар тарқалишининг биоекологик асослари. Т., Биологик хилма хилликни сақлаш муаммолари (конференция материаллари), 2006.